

ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА ИННОВАЦИОН БОШҚАРИШ  
ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

*Назарматов Охунжон Сотволдиевич PhD -  
тадқиқотчи, Фарғона политехника институти*

**Аннотация.** Тўқимачилик саноатида корхоналарнинг шаклланиши маҳсулотларининг турли хилларини ишлаб чиқаришнинг технологик занжирини барпо қилиш имкониятини беради. Айти пайтда меҳнатни мақсадга мувофиқ тақсимлаш учун қулай шароит яратилади. Бу эса юқори унумли ускуналар, илғор технологияларни жорий қилиш ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил этишга ёрдам беради, техник тараққиёт ва рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришни таъминловчи илмий дастурларни амалга ошириш учун зарур бўлган лойиҳалаш бюрolari, илмий-тадқиқот лабораториялари, тажриба ускуналарини барпо қилиш иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлашига қўмаклашади.

**Калит сўзлар:** тўқимачилик саноати, корхона, тармоқ, инновация, стратегия, хусусият, самара, инновацион жараёнлар, бошқарув.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПРОЦЕССОВ УПРАВЛЕНИЯ ИННОВАЦИЯМИ  
НА ПРЕДПРИЯТИЯХ ТЕКСТИЛЬНОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ

*Назарматов Охунжон Сотволдиевич PhD -  
Исследователь Ферганский политехнический институт*

**Аннотация.** Формирование предприятий в текстильной промышленности предусматривает возможность восстановления технологической цепочки производства различных видов продукции. Это способствует организации высокопроизводительного оборудования, внедрению передовых технологий и производства, технического прогрессу и восстановлению экспериментального оборудования, научно-исследовательских лабораторий, конструкторских разработок, необходимых для реализации научных программ, обеспечивающих выпуск конкурентоспособной продукции.

**Ключевые слова:** текстильная промышленность, предприятие, сеть, инновация, стратегия, особенность, самара, инновационные процессы, управление.

IMPROVEMENT OF INNOVATION MANAGEMENT PROCESSES IN TEXTILE INDUSTRY ENTERPRISES

*Nazarmatov Oxunjon Sotvoldievich PhD -  
researcher Fergana Polytechnic Institute*

**Annotation.** The formation of enterprises in the textile industry provides for the possibility of restoring the technological chain of production of various types of products. This contributes to the organization of high-performance equipment, the introduction of advanced technologies and production, technical progress and restoration of experimental equipment, research laboratories, design developments necessary for the implementation of scientific programs that ensure the production of competitive products.

**Key words:** textile industry, enterprise, network, innovation, strategy, feature, Samara, innovation processes, management.

**Кириш.** Саноати ривожланган мамлакатлар тажрибаси кўрсатишича, иқтисодийнинг юқори инновацион фаоллиги давлатнинг илмий-техник бозордаги етакчи роли, устувор миллий йўналишларнинг белгиланиши ва давлатнинг инновацион тараққиёт жараёнига иқтисодий рағбатлантирувчи тизим орқали фаол таъсир кўрсатиши билан таъминланади.

Йирик корхоналарда инновацион фаолиятни самарали ривожлантириш долзарб аҳамиятга эга бўлиб, республикамиз саноат корхоналарининг ички ва ташқи бозорлардаги рақобатбардошлиги унинг фаолият самарадорлиги ва натижадорлигига боғлиқдир.

Тўқимачилик саноатида корхоналарнинг шаклланиши маҳсулотларининг турли хилларини ишлаб чиқаришнинг технологик занжирини барпо қилиш имкониятини беради. Айти пайтда меҳнатни мақсадга мувофиқ тақсимлаш учун қулай шароит яратилади. Бу эса юқори унумли

ускуналар, илғор технологияларни жорий қилиш ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил этишга ёрдам беради, техник тараққиёт ва рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришни таъминловчи илмий дастурларни амалга ошириш учун зарур бўлган лойиҳалаш бюрolari, илмий тадқиқот лабораториялари, тажриба ускуналарини барпо қилиш иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлашига қўмаклашади.

**Адабиётлар таҳлили.** Иқтисодий адабиётларда “инновация” ибораси потенциал илмий-техник кашфиётларнинг янги маҳсулот ва технологияларга жорий этилиши, амалда реалликка айланиши сифатида талқин этилади. Бозор муносабатлари шакллана бошлаши билан “инновация” билан бир қаторда “инновацион фаолият”, “инновацион жараён”, “инновацион ечим” ва бошқа иборалар ҳам фаол қўлланила бошланди.

Илмий-техник ишланмалар ва киритилган янгиликлар илмий-ишлаб-чиқариш даврининг оралиқ натижаси сифатида намоён бўлган тарзда амалда қўллаб борилгани сари яқиний натижага айланади. Илмий-техник янгилиги ва ишлаб чиқаришда қўллаш мумкинлиги инновацияларнинг зарурий хусусиятлари ҳисобланади. Умуман олганда, кенг маънода инновацион фаолият – бу ўз ичига ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, жамиятга оид ва ижтимоий ривожланишнинг бошқа омилларини олувчи жамият ҳаёт фаолиятининг ажралмас қисмидир. Тор маънода (иқтисодий маънода) инновацион фаолият янги илмий-техник билимлардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш омиллари ўзаро таъсирлашувининг янги даражасини таъминлашда намоён бўлади.

Инновацион фаолиятнинг моҳияти моддий ишлаб чиқаришда янгиликларни яратиш ва тарқатиш ҳисобланиб, у ўзида илмий ва ишлаб чиқариш соҳалари ўртасидаги бўғинни мужассам этиб, уларнинг ўзаро алоқадорлиги натижасида жамиятнинг техник-иқтисодий эҳтиёжлари амалда қониқтирилади.

Иқтисодиётда кечадиган инновацион жараёнларга мутахассислар ва олимлар анча илгари ўз эътиборларини қаратишни бошлаганлар. Мазкур жараёнлар нафақат бозордаги мавжуд талабни фойдали ва оқилона қондиради, балки унинг шаклланишига ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. Жаҳон амалиётининг кўрсатишича, инновация вужудга келаётган қарама-қаршилиқлар ва инқирозларни бартараф қилиш борасида кучли дастак вазифасини бажаради.

Умуман олганда “Янгилик” тушунчаси динамикада ишга туширилган илғор янгиликни англатади, у уни қабул қилувчи ва ундан фойдаланувчи ташкилий тизим учун янги бўлиб ҳисобланади. “Инновация” сўзи (инглизчадан innovation) мазмун бўйича “янгилик” тушунчасига мос тушади, у янгиликни яратишнинг, тарқатишнинг, фойдаланишнинг ривожланаётган комплекс жараёни сифатида кўриб чиқилиб, у инновацион фаолият ривожланиши ва ўсишига кўмаклашади.

**Тадқиқот методологияси.** Корхоналар фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришнинг кенг имкониятлари корпорацияларнинг устунликларидан фойдаланишга асосланиб, уларни тузишнинг кўплаб вариантларидан фойдаланган ҳолда фирмалараро муносабатларни моделлаштириш имконини беради. Улардан асосийлари сифатида қуйидагиларни ажратиш мумкин:

1. Акцияларни чиқариш орқали пул маблағларини жалб этиш қобилияти инвесторларнинг чекланмаган сонининг маблағларини жамлаш имкониятини беради. Бунда инвесторларнинг маълум рағбатлантириш (пул мукофоти)га

умид қилишлари ва жамиятни бошқаришда иштирок этишни маълум даражада танлаш имконияти яратилади.

2. Бошқарилиш муаммосини ҳал этиш енгиллашади. Ташкилий расмийлаштиришнинг ниҳоясига етганлиги, масъулият ва ваколатларни белгилашдаги регламентларнинг ўрнатилганлиги акциядорлик жамиятлари бошқарув органлари ўртасидаги назорат функциясини тақсимлаш имконини беради. Бу бошқариш жараёнини профессионаллаштириш мумкинлигини англатади.

3. Акциядорлар таркибига кириш ва ундан чиқишнинг соддалаштирилган тартиби манфаатдор шахслар ротациясининг кенг имкониятларини ҳамда, тегишли равишда, инвестицион таклифнинг ўта ўзгарувчанлиги шароитида юқори мослашувчанликни таъминлайди.

4. Чекланган масъулият тамойили рискларни камайтиришга имкон яратади. Чекланган масъулият тамойилининг амал қилиши рискларни акциядорлар ва бошқарувчилар ўртасида тақсимлаш орқали йирик корпорацияларни ташкил этишни мумкин қилиб қўйди [12].

Инновацион фаолиятнинг асосини инновация усулларини прогнозлаш ва мақсадли яратишнинг назарий масалалари, методологик принципларини ишлаб чиқиш ва ривожлантиришга йўналтирилган илмий фаолият ташкил қилади, шунингдек, корпорацияда инновацион фаолиятни режалаштириш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Корхонада инновацион фаолиятни бошқариш вазифаларининг кўп омилли эканлиги ва мураккаблиги, уларни реализация қилишга ёндашувларнинг турли хиллиги билан шартланади.

Инновацион фаолиятни бошқариш тизимининг асосий мақсади – ташқи иқтисодий ҳолатни нобарқарорлиги шароитида корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва хизматлар рақобатбардошлигини оширувчи илмий-техник захирани яратиш ва эга бўлиш базасида инновацион лойиҳалар шаклланиши ва реализация қилиниши учун шарт-шароитлар яратишдан иборат.

Корпоратив корхоналарда инновацион фаолиятини бошқариш тизимининг асосий мақсадлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- давлат ва тармоқ ривожланишининг устуворлиги ҳамда бозор тенденциялари ва истиқболларини ҳисобга олган ҳолда корхоналар инновацион фаолияти мақсад ва вазифаларини аниқлаш ва тузатиш киритиш;

- корхонанинг инновацион ривожланишининг мустаҳкамлиги ва барқарорлигини ҳамда инновацион лойиҳалар реализация қилинишини ошириш мақсадида унинг ресурс таъминотини кучайтириш;

- корхонанинг ижтимоий-иқтисодий барқарорлигини ошириш учун ташқи муҳит ҳолати ўзгаришига ўз вақтида жавоб қайтариши;

- мавжуд ресурслардан фойдаланиш самардорлигини ошириш мақсадида корхонанинг инновацион фаолиятини оптималлаштириш;

- халқаро инновацион майдонга ҳамда ҳудуд ва тармоқ инновацион тизимига корхона интеграциясини таъминлаш.

Корхонанинг инновацион фаолиятини бошқариш тизимининг вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

- раҳбарият ва бошқа масъул шахсларни корхонанинг инновацион фаолиятини бошқариш бўйича қисқа муддатли (тактик), ўрта муддатли (оператив) ва узоқ муддатли (стратегик) қарорларни қабул қилиш учун аналитик ахборотлар билан таъминлаш;

- корхонанинг инновацион фаолиятида бажариладиган ишларни автоматлаштириш;

- корхона умумий бошқарув тизими билан инновацион бошқариш тизими интеграциясини таъминлаш;

- давлат, тармоқ ва ҳудуд даражасида инновацион фаолиятнинг бошқа иштирокчилари билан корхонанинг ўзаро алоқаларини таъминлаш.

Ўтказилган таҳлиллар корхоналар инновацион жараёнларига таъсир этувчи омилларни икки гуруҳга ажратиш мумкинлигини кўрсатади. 1) корхонани бошқариш доирасида таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлган ички омиллар:

- корхона инновацион фаолияти режаларининг ўз вақтида бажарилиши ва молиялаштириш ҳажми;

- инновацион фаолиятни амалга ошириш учун корхона моддий-техник базасининг мавжудлиги;

- инновацион фаолиятни амалга ошириш учун корхоналарда малакали меҳнат ресурслари мавжудлиги.


2) инновацион фаолиятни амалга оширишига боғлиқ ташқи омиллар:

- корхона фаолиятида ихтиро (техник ишланмалар, ғоялар)ларни ишлаб чиқиш ва амалиётда қўллаш билан боғлиқ бўлган харажатларни камайтириш;

- уларни ўзлаштириш учун кетадиган вақтни қисқартириш;

- ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланишни оптималлаштириш;

- инновацион фаолиятни амалга оширишдаги мавжуд таваккалчиликни камайтириш.



1-расм. Корхонанинг инновацион фаолиятига таъсир этувчи омиллар


Манба: Муаллиф ишланмаси.

Корхоналар ташқи муҳит билан инновацияларни ташкил қилиш босқичини йўлга қўйиш даврида афзалликлар билан бир қаторда эътиборга олиш керак бўлган бир қанча муаммолар ҳам пайдо бўлади. Корхонанинг асосий муаммоси унинг илмий салоҳиятини сақлаб қолишдир. Шундай экан, бошқа корхоналарнинг инновацион фаолиятини амалга ошириш ёки тайёр натижалардан фойдаланишда уни тўлиқ ўтказиш кераклигини йўққа чиқаради. Иккинчи муаммо рақобатнинг кучайиши, товарларнинг яшаш даврининг қисқариши ва фойдали ишлаб

чиқариш имкониятларини қисқартирувчи бошқа бир қатор салбий тенденциялар оқибатида юзага келади.

Бундай вазиятда корхона билан ташқи муҳит ўртасидаги муносабатлар фақатгина корхоналарга кейинги давр янгиликларини жорий қилиш учун мутахассисларни жалб қилишда фойдаланилиши мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари, корхонанинг ташқи муҳитда маҳсулот ва технологияларда кўзда тутилган ўзгаришларни аниқлайдиган, меҳнатни ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш усуллари ҳамда вазият

САНОАТ ИҚТИСОДИЁТИ



1-расм. Тўқимачилик саноати корхоналарини бошқаришдаги инновация модели [11]

дан максимал фойдаланишни назарда тутувчи, уларнинг ривожланишини истиқболлаштириш ва ўз вақтида керакли чораларни қўллашга имкон берадиган ахборот кузатиш ишларини мақсадга мувофиқ ташкил этиш муҳимдир.

Шундай экан, ташқи рақобат муҳити янги технологияларни излаш ва уни татбиқ қилишга рағбатлантиради, чунки корxonанинг фаолият самарадорлиги, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати ошиши ва унинг таннархи пасайиши шунга боғлиқдир.

**Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.** Тўқимачилик саноати корxonаларида янги технологиялар яратишга йўналтирилган, иқтисодий жиҳатдан самарадор инновацион технологияларини танлаш, баҳолаш, уларни амалга ошириш жараёнларини бошқаришнинг илмий жиҳатдан таҳлил қилиш зарурияти мавжудлигини аниқланди.

Тўқимачилик саноати корxonаларини замонавий технологиялар билан жиҳозлаш ҳамда уларни модернизациялашда маркетинг тадқиқотлар, самарали инвестицион лойиҳалар, шунингдек, энергиянинг турли кўринишларини тежамли сарфлашга қодир бўлган инновацион лойиҳалар ва бошқарув тизими муҳим аҳамият касб этади.

Таклиф этилган инновация модели «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси таркибига кирувчи корxonалардаги инновацион элементларни қўллаш натижасида инвесторлар учун жозибadorлигини оширишни ва унинг самарали ривожланишини таъминлайди. Корпорациялар ўзининг ижтимоий-иқтисодий мақсадини самарали амалга ошириш учун инновацион асосда барқарор ривожланиши зарур.

Тўқимачилик саноатида инвестиция жозибadorлигини ошириш, корxonалар ишлаб чиқаришини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, бошқарув тизимини такомиллаштириш каби муҳим вазифаларни ҳал этиш талаб этилади.

Тўқимачилик саноати корxonаларида бозор муносабатларига мос бўлган янги технологиялар яратишга йўналтирилган, иқтисодий жиҳатдан самарадор инновацион технологияларини танлаш, баҳолаш, уларни амалга ошириш жараёнларини бошқаришни илмий жиҳатдан таҳлил қилиш зарурати мавжудлиги аниқланди.

«Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси инновацион фаолиятини бошқаришнинг келтирилган модели доирасида қуйидаги функционал элементлар аниқланди. Инновацион фаолиятни бошқариш тизимини амалда жорий этишнинг марказлаштирилган ва тақсимланган шаклда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ.

Мазкур бошқарув тизимининг марказлашган тарзда реализация қилиниши зарурий тайёргарликка эга мутахассисларнинг етарлича

сонини ўз ичига олувчи махсус бўлимларни яратиш асосида амалга оширилади.

**Хулоса ва таклифлар.** Ишлаб чиқилган механизм асосида муаллиф томонидан «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг инновацион салоҳияти ҳисоблаб чиқилган. Бизнинг фикримизча, тўқимачилик саноати корxonаларида инновацион фаолиятни бошқаришнинг асосий йўналишларини такомиллаштириш қуйидаги тадбирларни амалга оширишдан иборат:

замонавий саноат тармоқлари корxonалари фаолиятининг муҳим йўналишлари доирасида тадқиқотларни ўтказишга концентрациялаш;

технологик йўл хариталарини яратиш асосида инновацион фаолият доирасида кичик ва ўрта корxonаларни жалб қилиш;

саноат тармоғининг фан сиғими юқори бўлган корxonалари инновацион фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини ошириш мақсадида инновацион фаолият натижаларини харид қилиш ва сотиш;

саноат тармоғининг фан сиғими юқори бўлган корxonаларида инновацион фаолиятининг молиявий самарадорлигини ошириш воситаларини қўллаш;

саноат тармоғининг фан сиғими юқори бўлган корxonаларида инновацион фаолиятини жорий этиш доирасида ресурслардан фойдаланишни оптималлаштириш воситаларини қўллаш;

инновацион фаолиятни амалга оширувчи шахслар ёки корxonалар томонидан аниқландиган мезонлардан келиб чиқиб, ресурсларни нисбатан кўпроқ фойдали бўлган инновацион лойиҳаларга йўналтириш.

Кейинги йилларда республикамизда инновацион фаолиятни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунга кўра, ишлаб чиқариш корxonаларида инновацион фаолликни баҳолаш бўйича корxonаларнинг статистик ҳисоботлари ҳамда экспресс баҳолаш асосида инновацион фаолиятнинг асосий кўрсаткичлари таҳлил этилди.

Инновацион маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқариш бевосита молиялаштириш билан боғлиқ эканлигини инобатга олган ҳолда уларни молиялаштириш манбаларини таркибий жиҳатдан динамикасини таҳлиliga ҳам алоҳида эътибор қаратмоқчимиз. Фикримизча, инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва жорий қилишда илмий тадқиқот институтлари ва олий таълим муассасалари билан ҳамкорликни ривожлантириш инновацион салоҳиятти янада оширишга хизмат қилади.

Саноатнинг фан сиғими юқори корxonаларининг инновацион фаолиятини бошқариш тизими мураккаб таркибга эга. Шундай экан, унинг самарали тавсифи (ҳолати, қонунларнинг шаклланиши) ва бошқарув параметрлар тавси-

фини аниқлаш учун ресурслар (биринчи ўринда ахборот ресурслари) етишмайди. Шунинг учун инновацион фаолиятни бошқариш тизимининг шаклланишида асосий ва мураккаб тизимлар учун қабул қилинадиган ёндашувлар ва тамойиллар ҳисобга олиниши керак. Инновацион фаолиятни бошқариш тизими қуйидаги вазифаларни ҳал қилиши зарур:

инновацион ғояларни жорий этиш учун истиқболли лойиҳаларни танлаш ва инновацион ривожланишнинг давлат ва тармоқ устувор йўналишларини ҳисобга олган ҳолда реализация қилиш учун инновацион лойиҳалар портфелини шакллантириш;

тармоқ корхоналарида инновацион лойиҳаларни реализация қилишнинг баҳолаш методикасини ишлаб чиқиш;

тармоқ корхоналарида инновацион лойиҳаларнинг реализация қилинишини оптималлаштириш.

Корхоналарда инновацион фаолиятни бошқаришнинг комплекс тизими шаклланиши қуйидаги вазифаларни ҳал этишни назарда тутади:

корхонанинг инновацион ривожланишининг асосий йўналишлари тўғрисида тасаввурни шакллантирувчи технологик сиёсат концепцияси, энергия самарадорлигини ошириш дастурлари, технологик йўл харитаси кабиларни ўз ичига олувчи ўзаро боғлиқ ҳужжатлар рўйхатини яратиш;

корхонанинг инновацион ривожланишига масъул бўлган ташкилий тузилмаларнинг мувофиқ функцияларини шакллантириш ва мос равишда тақсимлаш;

корхонанинг инновацион ривожланиш дастурларини амалга ошириш самарадорлигини баҳолаш ва мониторингини ўтказиш;

корхонанинг инновацион ривожланиш дастурларини амалга ошириш самарадорлигини баҳолаш ва мониторингини юритиш;

корхонани интеграциялаш билан ишлаб чиқариш, таълим, илмий-тадқиқот ва бошқа ташкилотлар ҳамда мавжуд миллий, ҳудудий, тармоқ, корпоратив ва бошқа инновацион тизимларга унинг илмий ва ишлаб чиқариш кооперацияси кенгайтиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

корхонанинг интеллектуал мулкани ҳимоялаш ва бошқариш тизимини яратиш.

Инновацион фаолиятни бошқариш тизими шаклланишининг умумий тамойилларини қуйидагича таснифлаш мумкин:

инновацион фаолиятни бошқаришнинг меъёрий-ҳуқуқий, услубий ва ахборот базасини мувофиқлаштириш;

мақсадли кўрсаткичлар рўйхати, ҳамда инновацион ривожланиш

дастурлари ва лойиҳаларини баҳолаш методологиясини аниқлаш;

лоийҳаларнинг илмий-техник экспертизасини мустақил ва объектив ўтказиш билан танлов тартибининг ўрнатиш асосида инновацион лойиҳалар ичидан энг мақбулларини танлашни амалга ошириш;

алоҳида лойиҳалар реализациясининг оралиқ натижалари бўйича ресурслардан фойдаланишни оптималлаштириш ва қайта тақсимлаш натижасида лойиҳаларни амалга оширишнинг доимий мониторингини ўтказиш.

Тармоқ даражасида инновацион фаолиятни бошқаришнинг мақбул тизимини қабул қилиш инновацион лойиҳаларни амалга ошириш ва самарадорлигини ошириш муаммоларини ҳал қилиш ресурс харажатлари пасайиши ва инновацион фаолиятни амалга оширишдан юқори самара олиш имконини беради.

**Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Муминова Э.А. Корпоратив молиявий режалаштиришни ташкил этишда блокчейн технологияси. Монография. //International Book Market Service Ltd., 2019.-98 с.
2. Курбаниязов Ш.К. Қурилиш материаллари саноатида корпоратив бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизмини жорий этиш самарадорлиги. Ихтисослик: 08.00.13–“ Менежмент”. – PhD илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. ТДНУ. Тошкент, 2018. –Б.92.
3. Отажонов Ш.И. Инновация фаолияти инфратузилмасини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари самарадорлигини ошириш. 08.00.13 – “Менежмент”. – И.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. Тошкент архитектура-қурилиш институти. – Тошкент, 2018. – Б.136.
4. Ханкелдиева Г.Ш. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корпорацияларни бошқаришнинг илмий-методологик асослари. 08.00.13–“ Менежмент”. –И.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. Фарғона давлат университети. – Тошкент, 2018. – Б.16.
5. Турсунов Б. Ўзбекистон тўқимачилик саноатида молиявий хавфсизликни таъминлашнинг назарий-амалий жиҳатлари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журналы. № 5, сентябрь-октябрь, 2020 йил.
6. Ҳасанова Р. Пахта-тўқимачилик кластерларида бошқарув сегментар ҳисоби ва ҳисоботи самарадорлигини аниқлашнинг услубий жиҳатлари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журналы. № 5, сентябрь-октябрь, 2020 йил. 53-54-бетлар.
7. Хакимов З.А. Енгил саноат корхоналари рақобатбардошлигини маркетинг стратегиялари асосида ошириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. –Т.: 2017. – 141 б.
8. Юсупов С.Ш. Кучли рақобат шароитида Ўзбекистон тўқимачилик саноати корхоналарини ривожлантириш стратегиялари. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Т.:2018. – 144 б.
9. Итыгина А.А. Организационно-экономический механизм формирования интегрированных корпоративных образований в текстильной промышленности. Дисс. на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – М.: 2014. – С. 25.
10. Ақобирова Д. Стратегия инновационного развития промышленности Республики Узбекистан в период модернизации экономики. Монография. – Т.: Иқтисодиёт, 2018. – 352 б.
11. Муминова Э.А. Ўзбекистонда корпоратив бошқарув асосидаги корхоналар фаолиятини бошқариш методологиясини такомиллаштириш. Иқт.фанл.док. дисс. Т.-2021., 128 б.
12. Иванова Е.А., Шишкина Л.В. Корпоративное управление: учебное пособие / Е.А.Иванова, Л.В. Шишкина; под ред. проф. В.Ю. Наливайского. – Ростов н/Д.: “Феникс”, 2007. - С.68.